

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д. Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
М. Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
З. Раҳимов, Д. Гуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М. Ғаниев	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривожини.....	176
М. Хамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р. Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И. Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д. Тўраева	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н. Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
Н. Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х. Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М. Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш. Хасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г. Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимнинг сифатида.....	217
Л. Галимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н. Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У. Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З. Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З. Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х. Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
	ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ
Адабиётимиз фидойиси	241

турувчи серҳаракат жанр бўлиб, бу хусусият умумий қоидаларга солишни қийинлаштиради. Учинчи сабаб эса, роман жанри тараққиёти йўлида пайдо бўлган объектив ва субъектив қийинчиликлар билан боғлиқ” [3; 13]. Олим ўзбек романлари, хусусан тарихий романлар ёш эканлиги, иккинчидан бошқа жанрларга нисбатан тез ўзгаришга учрашни ва охирида эса собиқ тузумнинг ижтимоий-сиёсий, мафкуравий муҳитининг жанр тараққиётига салбий таъсирини назарда тутган. Мазкур хусусиятлар, албатта, ўзбек тарихий романлари поэтикасида ҳам намоён бўлган. Натижада ёзувчи “Навоий” романида

образлар композициясидаги етакчи ўринга эга бўлган Навоий ва Ҳусайн Бойқаро образлари мутаносиблигига мафкуравий қарашлардан келиб чиқиб баъзи бир жиҳатларни киритишга мажбур бўлган.

Бироқ, шундай бўлсада, ўзбек насрида тарихий роман жанр сифатида XX аср бошларида тўла шаклланди ва бугунги кунгача ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Юқорида айтилагидек, XX асргача бўлган даврда тарихий воқеаларни бадий идрок қилиш, тарихий шахсларни акс эттириш халқ дostonлари, классик шоирларнинг лиро-эпик асарлари зиммасида бўлди.

Адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Т.: Янги аср авлоди, 2012.
2. Гегель. Эстетика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий файласуфлар жамияти, 2011.
3. Раҳимов А. Роман санъати. – Фарғона: Фарғона, 2015.
4. Султон, Иззат. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 2005.
5. Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999.
6. Юлий Цезарь Скалигер. Поэтика / Д.Қуроноф. Б.Раҳмонов. Фарб адабий-танқидий тарихий очерклари. – Т.: Фан, 2008.
7. Қуроноф Д. Назарий қайдлар. – Т.: Akademnashr, 2018.
8. Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. – 288 б. www.ziyouz.com kutubxonasi.

(Тақризчи: А.Қасимов – филология фанлари доктори).

РОМАНЛАРДА МАШРАБ ОБРАЗИ БИЛАН ЁНДОШ
ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

ИСТОРИЧЕСКИЕ ЛИЧНОСТИ В РОМАНАХ, СМЕЖНЫЕ С ОБРАЗОМ МАШРАБА

HISTORICAL FIGURES IN THE NOVELS ASSOCIATED WITH THE IMAGE OF
MASHRAB

М.Хамидов¹

¹ М.Хамидов

– ФарДУ докторанти

Аннотация

Мақолада ўзбек романларидаги Машраб образи билан боғлиқ ёндош тарихий шахслар талқинидаги ўзига хосликлар қиёсий таҳлилга тортилган. Ёзувчилар услубидаги ўзига хосликлар, тарихий манбалардан таъсирланиш маҳоратларидаги хилма-хиллик ёритилган.

Аннотация

В статье проводится сравнительный анализ особенностей интерпретации исторических личностей применительно к образу Машраба в узбекских романах. Освещаются стилистические особенности стиля писателей, своеобразие их мастерства от впечатления историческими источниками.

Annotation

The article presents a comparative analysis of the features of interpretation of historical figures in relation to the image of Mashrab in Uzbek novels. The article highlights the stylistic diversity in the style of writers, their skills of influencing from historical sources.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий ҳақиқат, бадиий тўқима, роман, тарихий шахс, маҳорат, тараққиёт.

Ключевые слова и выражения: историческая правда, художественная выдумка, роман, историческая личность, мастерство, прогресс.

Keywords and expression: historical truth, artistic fiction, novel, historical personality, skill, progress.

Бобораҳим Машраб образи билан боғлиқ ўзбек романларидаги тарихий шахслар талқинида ҳаётийлик, ҳаққонийлик асосий мезон ҳисобланади. Шунингдек, уларда тарихий ҳақиқат бадиий ҳақиқатга қай даражада айланганлиги, аввало, ёзувчиларнинг маҳорати, дунёқараши ва манбаларга ёндошиш услубига боғлиқдир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов қайд этганидек: “Тарихий романда илмий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқатнинг муносабати ғоят нозик ва мунозарали масала. Адабиёт тарихида шундай асарлар борки, улар илмий жиҳатдан асосланган тарихий фактларга тўла мос келадиган ҳужжатларга таяниб ёзилган... Айни замонда шундай тарихий асарлар ҳам борки, уларда умуман ҳаётий ҳақиқатга таянилгани ҳолда ёзувчи ҳаёлоти – фантазияси орқали тарихий фактни қайта идрок этиш муҳим ўрин тутди, тарихий ҳодисалар, шахслар муаллиф бадиий нияти асосида ўзгача талқин этилади. Адабиёт тарихида бундай мисоллар кўп. Навоий достонидаги Искандар тарихий шахс Александр

Македонскийдан кескин фарқ қилади. Мария Стюартни Шиллер ўзгача, Волтер Скотт бошқача, Стефан Цвейг яна ўзгача талқин этади... Шахсан мен тарихий асарда ёзувчи ҳаёлоти – фантазиясига тўла эрк бериш, “тарихчи олим иши тугаган жойда ёзувчи иши бошланади”, деган қараш тарафдориман”[1,57-58]. Ҳ.Ғулом, Шухрат, Х.Бегматов романларида ёзувчиларнинг тарихий шахсларга ёндошувларида ҳам ушбу сўзларнинг нечоғлиқ тўғри эканини кўраимиз.

Ҳамид Ғуломнинг “Машраб” романидаги Бозор охунд образи қуйидаги талқинини топган: “Бозор охунднинг ёши қирққа яқинлашиб қолган бўлса ҳам, у уйланмаган, бутун умрини илму маърифатга бағишлаган, ҳатто бундан кейин ҳам хотин олмай хокисоргина танҳо яшамоқ ниятини дилига тугиб қўйган экан. Унинг бундай фидойилигини ўз оғзидан эшитган қавмлари таркидунё қилган эшоннинг аҳволига ачиниб, кўп афсус-надоматлар чекдилар ва у кўчиб кирган янги ҳовлига айниқса шаҳар аслзодалари тез-тез ташриф буюриб, ҳар

гал суҳбат асносида оилавий ҳаётнинг лаззатию фазилатлари ҳақида луқма ташлаб, нақл айтиб, “Калила ва Димна”, “Минг бир кеча” ва ҳоказо рисоалардан ибратли мисоллар келтириб турдилар. Гарчанд Бозор охунд ўзи очган мадрасада таҳсил кўраётган баъзи хушсурат муллабаччалар васли – суҳбатини хотин билан яшашдан афзал билса ҳам, тўй ҳаражатларини ўз зиммаларига олишни ваъда қилган бою баёнлар қистовига зўр-базўр Исоҳўжабойнинг Мастура исмли ёлғиз синглисини ўз никоҳига олишга розилик берди” [2,128]. Унинг ташқи қиёфаси “бўйи икки ярим газ, барваста елкалари кенг, қўлоёқлари узун, девсифат, айнаи куч-қувватга тўлган, мабодо бурни чертилса бир челак қон оқадиган барзанги бир одам” тарзда тасвирланади. Лекин унинг фарзандсиз эканлиги, хотини Мастуранинг басавлат эр қош-қовоғига қараб, итоатда, гўристондай жим-жит хонадонда чўри аҳволда диққинафас бўлиб кун кечирини ёзувчининг бу шахсга бўлган талқинидаги салбий баённи янада кучайтирган. Айниқса, унинг шайхулисломга нома йўллаб сўраб олган талабаси Муҳиддин Латифийдан ҳуфия сифатида фойдаланиб, Машрабнинг ҳар бир қадамидан огоҳ бўлиб, унинг асарларидаги фикрларни “куфр”га йўйиши ҳам ушбу образ талқинидаги салбий жиҳатларни куюқлаштирган. Исоҳўжабойнинг куёви бўлмиш Бозор охунд Кошғардан Офоқхўжанинг қавмларидан келадиган тушдиларни озайиб, мусулмонларнинг ўз фарзандларини унинг хизмати муборакларига юбормай қўйганликларидан нолиганини айтмоқ учун хонадонига кирганидаги ҳолати нафақат исломий одоб-ахлоқ қоидаларига беписанд шахс, балки ахлоқсиз эканини ҳам кўрсатади: “Бозор охунд меҳмонхонага оёқ учида юрганча салом бериб кирган ва хонтахтага дастурхон ёзиб, иссиқ нону патирлар, ликопларда қанду новвотлар тераётган Тўтихоннинг алифдай келишган қадди-бастига суқланиб тикиларкан, беихтиёр тамшаниб, малларанг қалта соқолини силаб қўйди. Қизил хонатлас қўйлақда, почаси ҳошиясига гулдор жияк сирилган атлас лозимда, бошига оқ шоҳи рўмол ташлаган қизча ишини эпчиллик билан бажариб, чойнак билан пиёлаларни Маймоқнинг яқинига суриб қўйгач,

меҳмонхонадан орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бозор охунднинг бароқ қошлари остидаги хира кўзлари нечундир ёшланди, тупугини ютуниб:

Во дариг... деб қўйди”[2,335].

Касалга чалинган, ўзидан омад юз буриб бойликларига путр етаётган Исоҳўжабойдан ушбу кулфатлардан қутулишнинг ягона йўли қизи Тўтинисони Офоқхўжа эшонга назр этиш эканлигини Бозор охунд уқтиради. Шу тариқа Бобораҳимнинг севгилисидан жудо этилишига илк қадам қўйилади.

Ҳ.Фулом романидаги Бозор охунд талқинида шўро даври мафкурасининг таъсири- динни қоралаш, диндорларни “фош этиб”, салбий бўёқлар билан талқин этиш руҳи устунлик қилади.

Шухратнинг “Машраб” [3,599] романидаги Бозор охунд образи эса шогирдларига ғамхўр, “кўзи тўқ”, камтарин, илм ва истеъдодни қадрлайдиган, эл-юрт ўртасида катта обрўга эга устоз сифатида талқин қилинган. Унинг Машрабга ўғитида донишманд қиёфаси гавдаланади: “Бу олами мунавварда беш мўътабар зот бор, бўтам. Бири исм қўйган ота, бири аллалаган она, бири таълим берган устод, бири вафодор хотин ва яна бири қадрдон дўстдир. Беш нарсдан одам зотига зиён-захмат етади. Бири ёлғончилик, бири бевафолик, бири тилни тиймаслик, бири ҳасислик ва яна бири сабр-тоқатсизлик. Унутманг, бўтам, улуғликка эришмоқ учун йиллар керак бўлса, паскашлик учун лаҳза кифоя! Илм одоб билан, бойлик саховат билан, куч-қудрат баҳодирлик билан қадрланади.

Хайриддин Бегматовнинг “Девона Машраб” романида эса тижоратчи отаси Муродулло махсумнинг касбига қизиқмасдан болалигидан китобга ихлоси баланд бўлган Убайдулло қиёфаси шундай тасвирланади: “Тижорат ишлари уни қизиқтирмас, феълида ҳаловатга мойиллик, девонаваш жозибага ўчлик каби ҳислатлар устувор эди. Кўча-қўйда юганда, ўзи билан ўзи сўйлашиб ва ёки шеър ўқиб, ўзга дарвозалар томон ўтиб кетар, танишларига салом бермоқ мулоқотини унутар, ёхуд бир тўхтаган жойида неча фурсат тин қолиб, ўзни унутган ҳолда тафаккур ичра ғарқ бўлар эди” [4,16]. Сўнг Муродулло махсумнинг ўғли

Убайдуллонинг Бухорои шарифга навбатдаги сафариди ўзи билан бирга олиб кетиб Қўқалдош мадрасасининг таниқли мударриси Баҳодир эшон Сиддиқий ҳазратларидан ўғлини шогирдликка олишини сўраши, мадрасада Абдулазизхон ҳузурида имтиҳондан ўтиши, сўнг “охундлик пояси” берилиши воқеалари батафсил тасвирланади.

Ҳақиқатпарастлиги, ҳалоллиги, мол-дунё йиғишдан ҳазар қилиши унинг феълидаги қайсарлик билан уйғунлашиб кетганлиги тасвирини топгандир. Асарда ундаги қайсарлик феъли ҳақиқатни қарор топтириш, илм йўлида ҳалоллик ҳамда адолатга хизмат қилиши учун экани қатор воқеаларда акс этади. Бозор охунд фикрича “... қози муттаҳам келса, шеърият устуни титрагай, уламои икром ҳақ йўлидан тояр бўлса, бинойи шариат қулагай!” [4,26] Аммо Бобораҳим билан бўлиб ўтган фикрий тўқнашувлар уни иккилантириб қўяди. Чунки “Бу жамоа ичра ёши Бобораҳимдур. Кўзлари ўйнаб, бетин лаби пичирлаб турган бу болани туриш-турмуши жумбоқ. Охунд домла уни ҳозир-ҳозир портлаб кетадиган ўпқон мисоли тасаввур этади” [4,44].

Асарда шогирди Бобораҳим билан бўлиб ўтган мунозарадан кейинги Бозор охунд ҳолати шундай тасвирини топган: “Талабалари қатори Бозор охунд ҳам рукуи тафаккур ичра бошларини эгиб қолган эди. “Ўзини танимоқнинг олий мақоми “анал ҳақ” эрмасму? “Мен ҳақмен” дегувчилар ростгўйлар саналиб, “худо ҳозик” дегувчилар ёлғончилар аталмасму?” каби қоришиқ саволлар уни қийноққа солмоқда эди. Домла ўз хаёлидан ўзи кўрқиб кетди. Тепасида Навоий ҳазратлари асо ўқталиб тургандай бўлиб, қўлларини пахса этди. “Нега ҳам шарҳига тил урдим” деган ваҳм бир ўй аччиқ сим каби вужудини тешиб ўтгандай бўлди. Ҳайдамоққа қанча уринмасин, “Ли лаъ Аллоҳи” истилоҳи хаёлидан нари кетмай қолди” [4,48]. Тасаввуфнинг маслак ва сулуклари ўртасидаги айирмалар Бозор охунд қарашларидаги зиддиятларни келтириб чиқараётганини ёзувчи ҳаққоний талқин этган.

Машраб образи билан боғлиқ ёндош тарихий шахслардан бири Офоқхўжа эшондир. Ҳамид Ғулломнинг “Машраб” романида тасвирланишича Офоқхўжа эшон илк бора Машраб билан учрашганида ундан

“бул тахаллусни ким берди сенга?” дея сўрайди. Шоирдан ушбу тахаллусни ўзи танлаганлигини эшитгач, “Машраб номи ҳамиша ёр бўлсин, худованди карим сенга мадакор бўлсин!” дея дуо қилади. Унинг ташқи қиёфаси “У ҳали унча кекса ҳам эмас – бароқ қошлари тагида йирик қора кўзлари чакнаб, сергўшт қизил юзидан қон томиб тургандай” [5,116] тарзда акс этган. Машрабнинг севгилиси Тўтихон жойлашган Офоқхўжа ҳарами шундай акс этган: “Эшони аъзамнинг шафқатсизлиги ҳарам ичра машҳур: кўзига қўрғошин қуйилган, тили қирқилган, қўли кесилган қизлар ҳатто қушлар ҳам бевақт сайрамайдиган жимжит боғда соядай судралиб юрадилар” [5,111]. Соқи охунд томонидан тухматга учраган Обид васваснинг икки қулоғини кесиб ташлаши унинг қай даражада шафқатсиз шахс эканлигини кўрсатади. Тўтихонни олиб қочиб кетмоқчи бўлган Машраб тутилгач, Офоқхўжанинг ўзи қиздирилган маҳсус темир билан уни жазолаб, эрлигидан жудо этиши ҳам унинг қаҳри қаттиқ, ёвуз шаслигини кўрсатади.

Хайриддин Бегматовнинг “Девона Машраб” романида Офоқхўжа эшон “илмиҳол” эгаси, мазлумлар ҳимоячиси сифатида талқин этилган. У ўз даргоҳига ташриф буюрган башанг кийимдаги хушқад Нозимхўжа исмли бойвочча йигитни такаббурлик ва гуноҳкорликда айблади. Унинг “Гар ул эшон сўзларимга қулоқ осмаса, қудратига тан бермасмен!” деб келганлигини айтади ва бу сўзлар билан элни ҳам, Нозимхўжани ҳам ҳайратга солади. Сўнг Офоқхўжа бир четдаги кекса чол арзини тинглайди. Маълум бўлишича, чол ана шу бойвочча йигитдан қарздор бўлиб, маҳрига унинг Наргиз исмли қизини беришини талаб қилган. Чол эса қизини ўзи кўнгил қўйган Офоқхўжанинг бир чўпони билан қочириб юборган. “Ато рози – худо рози” дея Офоқхўжа ҳузурида ҳозир бўлган йигит ва қизни бахтли бўлишини айтиб дуо қилади. Ушбу воқеалар Бобораҳим ва Сеторийнинг Офоқхўжа эшонга бўлган ихлосларини янада оширади. Офоқхўжа ишқие сулуки раҳнамози сифатида шундай фикрларни баён қилади: “Биз Оллоҳ васлингга тафаккур ичра ета билмадик!.. Сабабким, ақлмиз қосирлик ила руҳимизга хиёнат этди. Ожиз танимиз ўтрусинга мажоз жилвасини қўйиб, қулоқларимизга “дунё –

фоний, умр – ғанимат” созини чалди. Васли ваҳдатга етмак йўли кўнгил йўлидир. Кўнгил миръотул азимдурки, хислатингизда ҳар неки бор, анда тажалли топур. Кимнингким дили чашма янглиғ пок эрса, анинг тили равон, йўли ёруғ бўлгай!.. Шимолдин шариат, жанубдин тариқатдур. Мағриб ила машрикдан маърифат бирла ҳақиқат зоҳир эрур. Шариат Оллоҳ зикри бирла турмак, тариқат сулук ичра юрмак, маърифат ҳақ жамолини изламак, ҳақиқат эрса васлидин дарак топмак манзилларидур. Шариат зоҳири калом, тариқат маҳсули йўл, маърифат изҳори ишқ, ҳақиқат эрса камоли ҳолдур. Ҳаққа етишмиш банда “Инсонни комил” аталиб, ул илми ҳол эгаси бўлур. Ҳақ васлингга бул таҳлит эҳтиёж Қул Аҳмад исми бирла овоза топишким, тариқи зикри жаҳриядур. Биз ул роҳни аҳли дил йўли танлаб, сулукимиз арконига кўшдик. Ошиқона сулуки Ишқие ўзлигини жаҳр овози билан эълон этур” [4,87-88].

Офоқхўжанинг Бозор охунд ҳақидаги фикри қуйидагича: “Бозор охунд вали илмда устувордур, илло тобедурлар. Иқтидорлари муфрад мақомига етмамиш. Ул сифат заҳиридин андиша бирла қадам босурлар” [4,89]. Шунингдек, унинг Сўфи Оллоёр ва Машраб тўғрисидаги фикри эса ўзгача: “Сўфи Оллоёр илми мадрасада олимлар ўқийдиган илмдур. Машраби девона илми эрса илми асрордурким, гоҳ-гоҳ муяссар бўлур! Ул илм оламға ва одамға сиғмас!” [4,209].

Х.Бегматов романидаги Офоқхўжа эшон тасаввуф тариқатининг билимдони, зарур ўринларда адолатпарвар, манманлик ва кибрни қораловчи шахс. У гарчи Машрабдаги Мансур Ҳаллож қарашларига уйғунликни қоралаган бўлса-да, шоирлик истеъдодини қадрлайди. Ёзувчи Офоқхўжанинг Тўтинисога бўлган муносабатидаги иккиланишларини ҳам тўғри талқин этгани ҳолда, фақат салбий жиҳатларни ўзида жамлаган шахс сифатида эмас, оддий инсон сифатидаги мураккабликларни намоён этганлигини ҳам тўғри тасвирлаган. Бу эса асардаги бадиий ҳақиқатни юзага келтирган. Бежизга Офоқхўжанинг минглаб муридларга эга бўлмаганлигини асослашга эришган.

Шухратнинг “Машраб” романи тугалланмаганлиги боис унда Маҳмудбей билан боғлиқ воқеалар ўз тасвирини

топмаган. Қолган ҳар икки романда Маҳмуд Қатағон образи ва у билан боғлиқ воқеалар ўзига хос тасвирларини топган.

Х.Бегматов романида Машраб, Пирмат Сеторий ва Отахон сардорнинг Қорақиён зиндонидаги кечмишлари ва кечинмалари кенг тасвирланган. Уларга Наврўзбек исмли зиндонбон меҳрибонликлар кўрсатади, Машраб сўрови билан Қитмир итини ҳам у ерга олиб кирадилар. Машраб Султон Маҳмудга ғазал ёзиб жўнатади. Сўнг асарда Пирмат хотиралари орқали Машрабнинг хон саройида шайхулислом фатвоси билан дорга тортиб ўлдиришга ҳукм этилиши воқеалари жонланади. Бунга сабаб қилиб Машраб ашъоридан куфр иси келаётганлиги, шоир Қуръону масжидни ҳақорат қилганлиги, халқ орасида ғулув кўзғаб, шариат ва тариқат йўлидан озаётганлиги кўрсатилади. Пирмат ва Отахон сардор эса қирқ дарра уриб жазоландилар.

Романнинг “Қатл ва қасос” деб номланган қисмида Машрабни қатл этиш тўғрисидаги ҳукм тасдиқлангандан кейинги Султон Маҳмуд ҳолати шундай тасвирланади: “Султон Маҳмуд Машрабни қатл этиш ҳақидаги ҳукмга имзо чеккач (муҳр босгач дейилса яхши бўлар эди – М.Х.), ҳам аркони давлатни, ҳам уламоларни ҳажв қилиб, ҳақоратлаб юрган бир девонани жазоладим, деб хотиржам бўлиш ўрнига аксинча, оромини буткул йўқотди. Гарчанд шайхулислом билан ваъзири аъзам подшони ҳукм мажлиси сўнгида муборакбод этган бўлсалар ҳам, барча қутловлар унга аччиқ таънадай эшитилди... Подшонинг кўнглида ҳукм мажлисида пайдо бўлган ғашлик, ғулғула ҳамон босилмайди. Бунга саба, балки, Машрабнинг шунчаки бир осий банда, шунчаки бир девона эмаслигидир. Унинг шайхулислом саволларига берган жавоблари, ваъзири аъзам Бузрукхўжа Бухорий шаънига айтган терс гаплари моҳир мерган отган ҳадафлардай нишонга бориб санчилди. Султон Маҳмуд назарида аксарият мажлис аҳли подшо томонга эмас, билас, Машраб томонга оғди! Асли теурийзодалардан бўлган, ўттиз уч ёшга кириб, ўзини қўшни давлатларга қарши уч муҳорабада қатнашган ва доим зафар қозонган, асир олинган душманларини қатлга ҳукм этиб, Балхни қатл майдонида карнаю ноғоралар садоси остида уларни

дорга осилишини томоша қилишдан завқланувчи Султон Маҳмуд ҳаётда биринчи марта маҳкум қаршисида ўзини нечундир ҳақсиз ва ожиз сезганидан ҳайратда” [6,183]. Султон Маҳмуд Боғи – Дилкушо аро кезар экан ваъзири аъзам Бузрукхўжа Бухорий ўнг қўлида бир варақ қоғоз билан келаётганини кўриб, Машраб тавбаномасини олиб келаётир деб севинади. Маълум бўлишича Машраб тавба қилмаган, балки, “Тўккуси хунимни охир Балхда Маҳмуд шоҳ, “Ал қасосул ҳақ!” каломи анга ҳам муддат эмас” сатрларини ўз ичига олган ғазални битиб юборган экан.

Ҳамид Фулом романида Султон Маҳмуд томонидан дорга тортилган санани 1711 йил ёз саратонида, рамазоннинг ўн еттинчи куни деб белгилайди. Зилзила ҳам шу куни Балхда юз бериб Маҳмудбейни ҳалок этади. Халқ китобларида ушбу зилзила Машраб вафотидан тўрт кун кейин рўй беради.

Х.Бегматовнинг “Девона Машраб” романида Маҳмудбей Машраб билан бўлган илк учрашув ва мулоқотдаёқ тараддудга тушади: “Кишини айбдор қилмак осон, - деб ҳаёлидан кечирмоқда эди у, - илло бул одамлар мен ҳам Худонинг бир хом сут эмган бандаси эканлигини нечук ўйламайдурлар? Менинг дилимда нима кечмоқда-ю доврўқли ашъори бирла бор оламга Мансур тариқатидин эълон бериб келувчи шоир кўнглида не муддао? “Авлиёи Машраб” исми бирла ҳам машҳур бул қаландарлар шоҳининг ҳеч недин-да тап тортмай, тик мулоқот этишларинда не сир?” [4,257]

Ёзувчи Маҳмудбейнинг ҳокимиятни эгаллаш тарихи ҳақида тўхталади: “Қатағон уруғидан бўлган баланд бўй, важоҳатли, аммо ёши қайтиб қолган Маҳмудбей Субхонкулихон даврида Бадахшон ҳокими эди. Бундан тўққиз йил бурун хон вафотидан фойдаланиб, унинг набираси Муҳаммад Муқимхонни ўлдирди ва ўзини мустақил Балх подшоси деб эълон қилди” [4,256].

Машраб Маҳмудбейнинг золимлиги тўғрисидаги ҳақ сўзидан сўнг зиндонга ташлашга ҳукм этилади. У дор остига Маҳмудбей ва унинг салтанатига шундай баҳо беради: “Фақир тиз чўккандин кўра ўлимни афзал билурмен! Маҳмудбей!.. Сенинг қасринг нажосат устига қурилган равоқдур. Сен нажосатхўр қушсанки,

оғзингдан қон ва нажосат ҳиди келаду! Мен эркни куйлаган булбулмен! Булбул нопок нарсага ёндошмағай!” [4,268]

Романда Машрабнинг истироблари шундай талқин этилган: “Уч кам олтмишга кирибмен, илло ҳалитдин сўнгақларим ушалган каби зирқирайдур, вужудим титраб, юраккинам ўйнайдур!” – дея надомат билан кўксига қўлини босди у. – Қолмиш умримни ўйласам, кўз олдим қоронғулашиб кетаду. Одамлар фарзанд ўстирарлар, ўлик-тиригимни эгаси бўлғай деб! Ё Худонинг қарғиш урган бандаси! – деб пешонасига қўлини қўйди Машраб. – Ўз элингга-ку сиғмадинг, ёт элларда аҳволинг не кечар” [4,252]. Агар юқоридаги Машраб нутқида акс этган унинг ёшини тўғри деб топсак унинг таваллуди 1654 йилга тўғри келади. Лекин асар сўнгида Зиёвиддин Исҳоқ Боғистонийнинг Машраб ёшини эллик саккиз деб белгилаганлигини тўғри деб топиши эса ушбу санани яна ўзгартиради. Ушбу санага таянилса Машрабнинг туғилган йили 1653 йилга тўғри келади.

Машраб ва у билан ёндош тарихий шахслар ҳақида тўхталар эканмиз ушбу ўринда профессор С.Мирвалиевнинг тарихий роман ва унинг белгилари ҳақидаги фикрлари ёдимизга келади: “Аввало, тарихий роман бўлиши учун биринчи галда роман табиатига, шаклига эга бўлиши зарур. Бу дегани воқеликни кенг ва чуқур эпик баён ва эпик образларда тасвирлаш демақдир. Бинобарин, тарихий роман эса ана шу умумий белгилардан ташқари яна бир неча хусусий сифатлари алоҳида ажралиб туради. Бу, аввало, унинг ўтмиш ҳақидаги асар эканлигидир. Яъни унга сайланган мавзу ўтмишдан олинган, ягона хужжат сифатида қайд этилган бўлиши, энг муҳими, тарихий ривожланишнинг бурилиш ёки кўтарилиш нуқтаси асар мазмунини белгиламоғи лозим... Шунингдек, тарихий романнинг яна бир белгиси асар яратаётган муаллиф билан тасвирланаётган тарихий, воқелик орасида маълум оралиғ – масофа – дистанция бўлмоғи лозим... Баъзи адабиётшунослар тарихий романда тарихий шахснинг эпик образи яратилиши шарт деб қарайдилар. Аммо адабиёт, қолаверса тарихий роман тажрибаси бундай хулосани ҳамиша ҳам тўғрилигига кафолат беравермайди... Ва ниҳоят, тарихи романдаги яна бир муҳим белги тарихий